

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЎСИМЛИКЛАРИНИ ИЛДИЗ ЗОНАСИГА  
ТҮФРИДАН-ТҮҒРИ СУВ ЕТКАЗИШГА МҮЛЖАЛЛАНГАН  
БАРАБАНЛИ СУГОРИШ ТИЗИМИ**

**ХУДОЁРОВ ФИРДАВС ЗАФАРЖОН ЎҒЛИ**


**Аннотация.** Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларининг тежамли ва самарали фойдаланилиши бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Анъанавий ёмғирлатиш машиналарида сувнинг буғланиши ва шамол таъсири туфайли сув ресурсларининг йўқотилиши юқори бўлади. Мазкур мақолада барабан-шлангли ёмғирлатиш машиналари асосида яратилган ва эгатлаб суғоришга мослаштирилган янги конструкция таклиф этилмоқда. Таклиф этилаётган мослама сувни ҳавога тарқатмасдан тўғридан-тўғри ўсимлик илдиз зонасига етказади, натижада буғланиш ва шамол таъсири туфайли сув йўқотилишининг олди олинади. Эгатлаб суғориш машинасининг конструкцияси, ишлаш принципи ва самарадорлиги таҳлил қилиниб, анъанавий ёмғирлатиш машиналари билан таққосланган. Ҳисоб-китоблар ва жадвалли таҳлиллар асосида эгатлаб суғоришда сувни тежаш имконияти 20% ва ундан юқори эканлиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар.** Эгатлаб суғориш, ёмғирлатиш машиналари, сув ресурслари, буғланиш, самарадорлик, илдиз зонаси, барабан-шлангли машина, қувур, шамол таъсири.

**Кириш.** Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларининг тежамли ва самарали фойдаланилиши долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Анъанавий ёмғирлатиш машиналарида сувнинг буғланиши ва шамол таъсири туфайли ёмғирлатиш жараёнида сув ресурсларининг йўқотилишига олиб келади. Ёмғирлатиш машинаси қўлланилганда шамол туфайли сув томчисининг учириб кетилиши 7-10 фоиз, буғланиш эса 13,7 дан 20,7 фоизгача, умумий сув ресурсларини йўқотилиши 30 фоизгача етади [1, 2]. Шуни инобатга олган ҳолда, ушбу мақолада барабан-шлангли ёмғирлатиш машиналари асосидаги эгатлаб суғоришга мослаштирилган янги конструкция таклиф этилади.

**Материаллар ва методлар.** Амалдаги барабанли ёмғирлатиш машиналари, яъни қувурли-барабанли ёмғирлатиш машинаси суғориладиган барча экинлар учун мўлжалланган [3]. Қувурли-барабанли ёмғирлатиш машинаси ҳаракатланувчи консол ва қувурни ўровчи барабанли шосседан иборат (1-расм). Шоссесига 1 ўраш механизмига 3 эга барабан 2 ўрнатилган. Ёмғирлатиш консолининг 5 юриш аравачаси 4 мавжуд. Барабанга эгилувчан қувур 6 ўралган бўлиб, унинг бир учи юриш аравачасидаги 4 ёмғирлатиш

консолига 5 уланган. Суғориш бошланишидан олдин машина сув манбаига эга сув насосига уланади, эгилувчан қувурлар 6 барабандан тарқатилиб, ёмғирлатиш консоли 5 шоссесидан 1 маълум масофада ишчи ҳолатга келтирилади. Насослар орқали эгилувчан қувурларга 6 сув берганида, барабан 2 секин айланиб, эгилувчан қувурни 6 ўрай бошлайди ва ёмғирлатиш консоли 5 ҳаракатга келади ва унга ўрнатилган ёмғир ҳосил қилувчи мослама экин даласини ёмғирлатиб сугора бошлайди.



1- ёмғирлатиш машинасининг шоссеси; 2- барабан; 3- қувурни ўраш механизми; 4-юриш аравачаси; 5- ёмғирлатиш консоли; 6-эгилувчан қувур

### **1-расм. Қувурли-барабанли ёмғирлатиш машинасининг конструктив-компоновка схемаси**

Ёмғирлатиш консоли 5 барабанга 2 яқинлашганда сувни тўхтатиш тизими ишга тушади, сув бериш тўхтатилади, консол 5 ҳам машина ёнида тўхтайди. Сунгра машина қамров кенглигига teng бўлган масофага кўчирилади ва технологик жараён такрорланади. Юқорида таъкидланидек бу машиналарнинг асосий камчилиги суғориш жараёнида сув томчининг буғланиши ва шамол учириб кетиши туфайли сув ресурсларининг исроф бўлишидир.


Ёмғирлатиш машиналари асосий технологик жараённи сунъий ёмғир ҳосил қилишга асосланганлиги ва ҳосил қилинган томчининг ҳавода учиш жараёнида муҳит таъсирига учраши уларни қурғоқчилик ва иссиқ худудлар учун конструкцияларини такомиллаштириш орқали самарали суғоришни амалга оширишни талаб этади.

Таклиф этилаётган эгатлаб суғориш мосламаси ёмғирлатиш консолидаги ёмғир ҳосил қилувчи мослама ўрнига ўрнатилади. Бу мослама сувни ҳавога ёмғирлатиб тарқатмасдан, тўғридан-тўғри тупроққа ва ўсимлик илдиз зонасига эгилувчан қувурлар орқали етказади. Бунинг натижасида сув йўқотилишининг олди олинади.

Эгатлаб суғориш машинаси қувурли-барабанли ёмғирлатиш машинаси асосида яратилган. Эгатлаб суғориш машинаси ёмғирлатиш машинасидан ёмғирлатиш консолидаги ёмғир ҳосил қилувчи мослама 5 (1-расм) ўрнига эгатлаб суғориш мосламаси 9 (2-расм) билан жиҳозлангани билан фарқланади.

Кувурли-барабанли эгатлаб суғориш машинаси ҳаракатланувчи

ёмғирлатиши консоли 5 ва қувурни 6 ўровчи барабанли 2 шосседан 1 иборат. Шоссесига 1 ўраш механизмига 3 эга барабан 2 ўрнатылған. Ёмғирлатиши консолининг 5 юриш аравачаси 4 мавжуд. Барабанга 2 әгилувчан қувур 6 ўралған бўлиб, унинг бир учи юриш аравачасидаги 4 ёмғирлатиши консолига 5 уланған. Ёмғирлатиши консолига 5 эгат қатор ораларига мос равишда эгатлаб суғориш мосламаси 9 ўрнатылған.




1-Қувур-барабанли эгатлаб суғориш машинасининг шоссеси; 2- барабан; 3- қувурни ўраш механизми; 4-юриш аравачаси; 5-ёмғирлатиши консоли; 6- әгилувчан қувур; 7-эгат қатор ораларига экилған ўсимлик; 8-эгат қатор ораси; 9-эгатлаб суғориш мосламаси

## **2-расм. Эгатлаб суғориш машинаси**

Суғориш бошланишидан олдин эгатлаб суғориш машинаси сув манбаига эга сув насосига уланади, әгилувчан қувурлар 6 барабандан 2 тарқатилиб, ёмғирлатиши консоли 5 шоссесидан 1 маълум масофада ишчи ҳолатга келтирилади. Насослар орқали әгилувчан қувурларга 6 сув берганида, оқимнинг гидродинамик кучлари ёрдамида барабан 2 секин айланиб, әгилувчан қувурни 6 ўрай бошлайди ва ёмғирлатиши консоли 5 харакатга келади. Бу вақтда ёмғирлатиши консоли 5 орқали эгатлаб суғориш мосламасига 9 сув берилади. Эгатлаб суғориш мосламасига етказиб берилган сув мосламанинг сув ўтказиб берувчи әгилувчан қувури орқали эгат қатор ораларига етказиб берилади. Ёмғирлатиши консоли 5 барабанга 2 яқинлашганда сувни тўхтатиш тизими ишга тушади ва консол 5 эгатлаб суғориш машинаси шоссеси 1 ёнида тўхтайди. Сунгра эгатлаб суғориш машинаси қамров кенглигига teng бўлган масофага

кўчирилади ва технологик жараён такрорланади.

**Натижалар ва мухокама.** Агар эгатлаш суғориш машинасида дала юзасига етказиб берилган сув ресурсларининг буғланишини 3 % кўп эмас десак, анъанавий ёмғирлатиб суғоришга нисбатан сув ёўқотишилари 18-19 % га камаяди (3-расм). Бугунги кунда Ўзбекистонда ўсимликларни турига қараб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда 1000-1100 м<sup>3</sup>/га сув сарфланмоқда. Эгатлаб суғориш машинасини қўллаш орқали ёмғирлатиб суғоришга нисбатан ҳар бир гектар майдондан 180-200 м<sup>3</sup> сув ресурсларини тежаш мумкин.



**3-расм. Ёмғирлаш ва эгатлаб суғориш машиналарида сув йўқотишилари**

Ёмғирлатиш машиналаридаги асосий камчиликлар сувнинг буғланиши, шамол таъсирида учиб кетиши ва тупроқ структурасининг бузилиши ҳисобланади. Таклиф этилаётган эгатлаб суғориш мосламасида эса сув йўқотилиши деярли йўқ ва сув илдиз зонасига тўғридан-тўғри етказилади. Ҳар икки машинанинг таққосланиши 1-жадвалжа келтирилди. Эгатлаб суғориша сув оқими дала юзасига атмосфера босими ва паст тезликда берилганлиги сабабли тупроқ структурасини бузилишига олиб келмайди [4].

1-жадвал.

#### Ёмғирлатиш ва эгат суғориш машиналарининг ўзаро таққосланиши

Кўрсаткич	Ёмғирлатиш	Эгатлаб суғориш
Сув йўқотилиши	20–24%	0–3%
Буғланиш таъсири	Юқори	Деярли йўқ
Тупроқка таъсири	Бузади	Сақланади

**Эгатлаб суғориш мосламасининг сув фойдаланиш самарадорлиги қуидаги формула асосида баҳолаш мумкин:**

$$\eta = \frac{V_{\text{ўсимлик}}}{V_{\text{насос}}}, \quad (1)$$

Бу ерда  $\eta$  – самарадорлик коэффициенти,  $V_{\text{ўсимлик}}$  – ўсимликка етиб борган сув ҳажми,  $\text{m}^3$ ;  $V_{\text{насос}}$  – насосдан чиқарилган сув ҳажми,  $\text{m}^3$ .

Эгатлаб суғоришида  $\eta = 95\text{--}99\%$  гача бўлиши мумкин, бу эса анъанавий ёмғирлатишига нисбатан 20% ва ундан ортиқ тежамни таъминлайди.

**Хуноса.** Мақолада келтирилган таҳлил ва таклифлардан кўриниб турибдики, анъанавий ёмғирлатиши машиналарида сув йўқотилиши (20–24%)га нисбатан, эгатлаб суғориш мосламасида бу кўрсаткич 0–3% гача камайиши мумкин. Бу нафақат сув ресурсларини тежашга, балки тупроқ структурасини сақлаб қолишига ҳам хизмат қиласи. Таклиф этилаётган эгатлаб суғориш мосламаси қувурли-барабанли ёмғирлатиши машиналари асосида қайта мослаштирилиши сабабли, амалда мавжуд техникалар базасидан фойдаланиш имкони ҳам мавжуд. Самарадорлик коэффициенти 95–99% гача этиши мумкинлиги бу мосламани қишлоқ хўжалигида кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Шу боис, ушбу технология қурғоқчи ва сув танқис худудларда жуда муҳим аҳамият касб этади.

### Адабиётлар

1. Khudayarov Z.J., Mirzakhodjaev Sh., Khalilov R., Nurmikhamedov B., Mamasov Sh. Deflector nozzles of rain irrigation machines // VIII International Conference on Advanced Agritechnologies, Environmental Engineering and Sustainable Development. – Krasnoyarsk, Russia, 2023. – Volume 390, 01033.
2. Надежкина Г.П. Совершенствование устройств приповерхностного полива дождивалной машины «ФРЕГАТ»: Дисс. ... канд.техн. наук. – Саратов, 2014. – С.168.
3. Барабанного типа дождевальная машина "KRONOS-115/400" – **Техническое руководство и инструкция по эксплуатации**. ООО “Кубаньполивмаш”, 2020. –48 с.
4. Xudoyorov Firdavs Zafarjon o‘g‘li. (2024). Yomg‘irlatib sug‘orishda tuproqning yuvilishi. Образование наука и инновационные идеи в мире, 58(7), 94-97. <https://scientific-jl.org/obr/article/view/4497>
5. Nazarov U. et al. **Development of mobile sprinkler irrigation machine based on hose-reel system** // International Journal of Engineering Research and Technology. – 2022. – Vol. 11(4). – P. 542–548.